

МИЛЛАТНИ КИМ ИСЛОХ ЭТАР?[1]

Биз Туркистон мусулмонлари орасинда хилофи шариат одатларини кўплиги хар кимга маълумдир. Муниг дафъи ва ислохини ким этар? Бизни фикримизча, муниг дафъу ислохига уламо хазароти камари химмат боглаб, мукаддас мехробу минбардан ваъз сўйлаб, ахолига ахкоми шариатни билдуруб, байтуллох хукминдаги масжид ва жомеъларида эрта-ю кеч амри ба маъруф ва нахй аз мункар этиб, халойик англайтургон бир тил илан панду насихат этсалар хам муниг хеч кўймасдан хар кун баъд аз намози фажр ва баъд аз хуфтон доим мухталиф мавзулардан бахс этсалар, албатта, таъсирсиз колмас. Хусусан, мукаддас масжидга сўйлаган ваъз хар бир мўъмин калбина ду боло таъсир этар.

Куръони карим амри маъруф ва нахйи мункар этмок учун мавъизан панду насихат учун кўп оятлар борлиги уламо хазаротларига маълумдир.

Олами исломни хар тарафидаги масжидларда халк тили илан ваъзу панд этмок жорийдир. Ёлгиз Туркистон ва Бухорога, билмайман, на сабабдан жорий эмас. Онингчун халкни ахлоку одоби исломияси кундан-кун бузилмокда. Ори, бизни масжидда «салоти Масъудий»ни бечора авом англамайдур. Зотан, оти имомларни ўзлари ўкимоклари лозим. Лоакал, мазмунини авомга тушундурмок керак. Холбуки, халойикга заруррок, керакдур. Бугун кўпайган бузуклик ва фасодларни ислохи учун ваъз килмок керак. Заруриёти диния ва ахлоки исломияни аларга таълим ва танбех килмок керакдур. Баъзан намози фаждан сўнгра масжидга оми гадойлар газал ўкиб, хурофот сўйлаб, ваъз айтган бўлуб садака жамлар. Бесавод бир гадой огзига келганини имом афанди хузуринда бемухобо сўйлар. Хеч ким анга бир нима демас. Холбуки, масжид ичинда гадойлик ва садака дуруст йўк эди. Имом афандилар масжидда ваъз айтсалар, халойикни билмаганини билдурсалар, албатта, иззату хурматларида зиёда бўлур. Халойикда ислох топилур, дунёву охиратда ажрлари хам зиёда бўлур. Зотан, уламо хазротики, варасат ул-анбиёдурлар, вазифалари таълиму хидояти халкуллохдур. Кунтум хайра умматин ухрижат лин-наси таъмуруна бил-маъруфи ва танхавна анил-мункар, ъуламау умматий каанбийаи бани Исроил оят ва хадисларининг шаъни шудур.

Собик «Самарканд» жаридаси ва «Ойна»да хам бир неча дафъа мундан бахс бўлуб эди. Алхамдулиллахки, идорага якинда хабар олиндики, Самаркандни Хожажон Хожа махалласининг имоми мухтарам домла Хожи Абдугаффор жаноблари бир неча кундан бери халк тили илан баъд аз намоз ваъзи панду насихатга бошлабдурлар. Намозгузорлар ниҳоят рози эмишлар ва ададлари хам кўпайибдур. Ваъзларида таъсирини оз бир муддатда кўрсатибдур. Аллох таоло бу имом амсолини кўпайтирсун. Домла Абдулгавффор жаноблари бир неча саналар Харамни мухтарамни Набавий хазратларининг Самаркандда бу амри лозимни бошлаганлари учун табрик этармиз. Ори, уламо кавмидиндурлар. Уламо гайрат этканда миллат, албатта, ислох топур.

«Ойна», 1914, 12-сон, 274 — 275-бетлар

[1] Маколада пайгамбарларнинг вориси бўлган олимларнинг бурчлари ва вазифалари хусусида сўз юритилади. Жумладан, уларнинг омма тарбиясига масъул эканликлари, маърифат тарғибига эътибор кўрсатишлари зарурлиги таъкидланади.